

# **БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ**



Бугун туман аҳолисининг, айниқса болажонларнинг қувончи чексиз.

1-июн-Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ҳар йили ота-оналар фарзандларини вилоят марказига айлантиришга олиб борар эди. Энди бунга ҳожат йўқ. Чунки, бугун туман ҳокими ва Баҳодир Қодировнинг ташабbusи билан туман марказида “Барака савдо” МЧЖнинг З-қаватида болалар ўйингоҳи барпо этилди.

“Барака савдо” МЧЖнинг З-қаватида болалар ўйингоҳининг очилиш маросимида туман ҳокими Р.Гаппаров сўзга чиқиб, болажонларни бугунги байрам билан муборакбод этди.

Шундан сўнг шўх куй-қушиқларга болажонлар мазза қилиб рақсга тушдилар.

Болалар ўйингоҳининг ташкил этилиши болажонларга ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

Байрам тадбири кечгача давом этади.